

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Поштахотимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлаганов, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ким Ги Мун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашув-

ларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Форумда корейлик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди.

Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодиётига икки миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоя киритган. 2008 йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард, жорий йилнинг январь-май ойларида эса 400 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар иштирокида тузилган 351 та қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 93 та фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Жанубий Кореянинг етмишдан зиёд йирик компаниясида юзга яқин вакил иштирок этган форумда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятларидан янада кенг фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга, Корея компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида бевосита алоқаларни мустақамлаш муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда корейлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Жанубий Корея делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

БАДИЙ АКАДЕМИЯНИНГ ТАРКИБИ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон Бадий академияси таркибидagi Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибига ўтказилганлиги муносабати билан Президентнинг 1997 йил 23 январьдаги «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида» ПФ-1701-сон Фармонида ўзгаришлар киритилди.

ИШ ҲАҚИ ВА ПЕНСИЯЛАР ОШИРИЛАДИ

2009 йил 8 июлда Президент «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4119-сон Фармонни имзолади («СБХ»нинг 2009 йил 13 июлдаги 27 (779)-сонида чоп этилган), унга мувофиқ 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 33 645 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 33 645 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 66 660 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдоридан белгиланди.

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЎЛОВЛАРИНИ ХУСУСИЙ ОПЕРАТОРЛАР ЙИҒАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 186-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

– Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашни ўтказиш тўғрисидаги низом. Ҳужжат билан танлов бўйича танлашга тайёрланиш; танлов комиссияси ишини ташкил этиш; танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари; танлов бўйича танлашни ўтказиш ва голибни аниқлаш тартиби белгиланган;

– Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторлар фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом. Унда қуйидаги масалалар тартибга солинган: Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан хусусий операторга бериш тартиби; хусусий оператор даромадларини шакллантириш; етказиб берилган электр энергияси учун хусусий оператор билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби; электр энергиясини ҳисобга олиш ва бошқа масалалар.

Чунончи, электр энергияси учун тўловни йиғиш бўйича истеъмолчилар билан шартномалар тузиш, истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан рухсат берилмаган фойдаланишларни аниқлаш ишларини олиб бориш, ҳисобга олиш

приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш функциялари энди хусусий оператор зиммасига юкланади. Функцияларни ўтказишдан мақсад – электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни бошқариш ва ҳисобга олишнинг замонавий усулларини жорий этиш; электр энергияси беришда унинг нотехнологик нобудгарчиликларини камайтириш; электр энергияси учун тўловни самарали йиғиш.

110 кВ ва ундан юқори кучлинишли тармоқларга бевосита уланган истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловни йиғиш функциялари хусусий операторларга берилмаслиги белгиланган.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ҚАРОР

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 188-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан белгиланишича, 2009-2010 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган) ҳамда Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори билан тасдиқланган) доирасида технологик жараёнларни ва хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига таннархни пасайтириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш харажатлари ва қўшим-

ча харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар нархини камайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш натижасида қўшимча даромад (фойда) олиниши қонун бузилишлари деб ҳисобланмайди.

Белгиланишича, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мазкур ҳужжатга мувофиқ олинган қўшимча даромад (фойда) Ўзбекистон Президентининг ва ҳукуматининг инқирозга қарши тадбирларга доир қарорларида назарда тутилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишга; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини ва пировард нархини янада пасайтиришга ҳамда ходимларни белгиланган тартибда мукофотлашга йўналтирилади.

ИШ ҲАҚИДАН УНДИРИЛСИН

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ адлия вазирининг буйруғи билан Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидалари тасдиқланди (АВ томонидан 2009 йил 8 июлда 1980-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Қоидалар билан ундирувни иш ҳақига қаратиш тартиби; қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш миқдори;

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 4 июлдан 10 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 28-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин қирилдиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ундирувчига ушлаб қолинган пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш тартиби; ижро ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлаш; ушлаб қолишни тугаллаш ва ижро ҳужжатини қайтариш тартиби; унинг ижроси устидан назорат ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Чунончи, ундирув бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга; алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммаларга; хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга ва бошқаларга қаратилмайди. Бир неча ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақига қаратилганда, у ходим иш ҳақининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Иш ҳақидан ушланмалар миқдори солиқлар ушлангандан кейин қоладиган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ижро ҳужжатида иш ҳақидан ундириш миқдори кўрсатилмаган бўлса, суд ижросиси ҳар бир алоҳида ҳолатда ундирув миқдорини белгилашга ҳақли. Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2009 йил 18 июлдан кучга кирди.

ТАЛАБАНИНГ РЕЙТИНГ НИЗОМИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ томонидан 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

2009 йил 3 сентябрдан кучга киради.

УШБУ
СОҲДА

1-бет
Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар

2-бет
Корхонада кадрлар масаласи

4-бет
Мен ишлаган фирма ёпилган...

5-20-бетлар
Янги қонун ҳужжатлари

\$1 = 1486,47 сўм

€1 = 2070,36

£1 = 2397,08 сўм

¥10 = 160,72 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домопой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ФИРМАМИЗДА ХОРИЖЛИК ИШЧИ



Хорижий мамлакат фуқаросини ишга қабул қилаётганда уни расмийлаштириш тартибини тушунириб берсангиз. У қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак? Ташкилот қандай ҳужжатларни расмийлаштириши керак? Даромад солиғи, ижтимоий сугуртага ажратмалар бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келади ҳамда ШЖБПХга ажратмалар қилинадими?

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) 3-бандига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга келаётган хорижий фуқаро кўрсатиб ўтилган Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ва иш берувчи томонидан олинган **рухсатнома** асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи **тасдиқномаси** бўлгандагина республика ҳудудида ишлаши мумкин. Рухсатнома ва тасдиқномалар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади. Хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатнома олишдан аввал иш берувчи жалб қилинаётган хорижий ишчи ёки хорижий фирма билан иш тартиби ва шартларини келишиб олиши керак. Улар тегишли равишда ҳужжат билан расмийлаштирилиши шарт* (дастлабки меҳнат шартномаси тузилиши, келишиб олинганлигидан

далолат берувчи бошқа ҳужжатлар имзоланиши керак).

Республикада ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаш ниятида бўлган хорижий фуқароларга Ўзбекистон



меҳнат қонунчилиги татбиқ этилиши сабабли (МКнинг 11-моддаси), улар ишга кираётганда Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;
- меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахс-

лар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки қақирлувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда куйидаги ҳужжатларнинг бўлиши назарда тутилиши мумкин:

- жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси (агар хорижий ишчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ихтиёрий қатнашчиси бўлса);

- солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

- тиббий кўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар иш шартлари шуни талаб этса).

• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркада
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

Хорижий мутахассисни ишга қабул қилиш вақтида иш берувчи МКнинг 77-87-моддаларини қўллаган ҳолда у билан меҳнат шартномасини тузиши ва унинг асосида ишга қабул қилиш ҳақида тегишли буйруқни расмийлаштириши керак. У хорижий ишчи даромадларидан Солиқ кодекси (СК)нинг 29-бобида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини, шунингдек СКнинг 51-бобида мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ушлаши ва бюджетга ўтказиши шарт. Бунда СКнинг 305-моддасига мувофиқ хорижий фуқаро республика ҳудудида доимий равишда яшаб тургандагина бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган тўловлардан ташқари юридик шахс ўз маблағлари ҳисобидан солиқ солиш объекти хорижий фуқаронинг иш ҳақи тарзидаги даромадлари бўлган ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) ҳам тўлаб

бориши керак (СКнинг 306-моддаси, 310-моддасининг иккинчи қисми). Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг 2005 йил 6 октябрдаги 1515-сон қарори билан тасдиқланган) 6-бандига мувофиқ, республика ҳудудида доимо яшайдиган хорижий фуқаролар Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳолатда жамғариб бориладиган пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар. Яъни бу уларнинг зиммасига мажбурий сифатида юкланмайди. Бинобарин, ШЖБПХга тўлов ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарорни ўзингиз, аниқроғи – сиз ишга қабул қилган хорижий ишчи қабул қилади. Ҳеч ким хорижий шахсни жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этишга мажбур қилишга ҳақли эмас.

Артём АДЕГ
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

ФАҚАТ ОНАНИНГ ХОҲИШИГА КЎРА



Иқтисодчи аёлнинг декрет таътили ва болани парвариш қилиш даврида бу лавозимга ёш мутахассис қиз қабул қилинди. Бир йилдан сўнг у турмушга чиқди ва 8 ойдан сўнг, 2009 йил 5 январдан навбатдаги меҳнат таътилга чиқди. 16 январда эса декрет таътилин тақдим этишга касаллик варақасини топширди. 26 февралда у тугди ва 21 майда 2011 йил 26 февралга қадар унга болани парвариш қилиш учун пул тўланмайдиган таътил беришларини сўраб ариза ёзди.

Кадрлар бўйича мутахассисимиз уни ишдан бўшатиш керак, чунки 2009 йилнинг 5 февралдан бошлаб ушбу лавозимга асосий ходим қақириб олинган деб ҳисоблайди.

Биз декрет таътилида бўлган аёл ходимни асосий ходим ишга чиққан кундан бошлаб ишдан бўшатишимиз шартми? Ёки уни болани парвариш қилиш бўйича пул тўланмайдиган таътил тугагач бўшата оламизми?

Ободонлаштириш бош бошқармаси.

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК)да иш берувчиларни қандай ҳолларда ходимни ишдан бўшатишга мажбур қиладиган меъёрлар мавжуд эмас. Аксинча, унда муайян вазиятларда ишдан бўшатиб бўлмаглигини кафолатлайдиган меъёрлар берилган. Чунончи, МК 100-моддасининг учинчи қисмига кўра меҳнат шартномасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва ходимнинг таътилларда бўлган даврида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартнома-



сини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади (МКнинг 237-моддаси). Бинобарин, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишдан бўшатиб бўлмайди. У таътидан белгиланган муддатдан аввалроқ қайтиб келган тақдирда уни аввалги иш жойига кўра олмайсиз, чунки ушбу лавозимга асосий ходим қайтиб келган. Мазкур вазиятда ходимга корхонадаги бошқа ишни таклиф қилиш лозим. Бироқ иш берувчи унга тенг қийматли ёки бошқа тўғри келадиган ишни таклиф қилишга мажбур эмас. Агар ходимга сизнинг таклифингиз ёқмаса, у меҳнат шартномасини ўзининг ташаббуси билан бекор қилишга ҳақлидир.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 14 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1154,24	1 Малайзия ринггити	414,06
1 Англия фунт стерлинги	2397,08	1 Польша злотийси	473,11
1 Дания кронаси	278,15	1 СДР	2298,93
1 БАА дирҳами	404,72	1 Туркия лираси	958,64
1 АКШ доллари	1486,47	1 Швейцария франки	1368,00
1 Миср фунти	266,11	1 ЕВРО	2070,36
1 Исландия кронаси	11,62	10 Жанубий Корея вони	11,52
1 Канада доллари	1276,71	10 Япония иенаси	160,72
1 Хитой юани	217,57	1 Россия рубли	46,40
		1 Украина гривнаси	194,96

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АКШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.07.2009	1	0,8042	1	1,1314	1	0,0252
Арманистон	16.07.2009	1	366,15	1	515,57	1	11,54
Беларусь	17.07.2009	1	2845	1	4010,88	1	89,76
Грузия	16.07.2009	1	1,6668	1	2,3444	1	5,2011
Қозоғистон	17.07.2009	1	150,75	1	212,27	1	4,75
Қирғизистон	11.07.2009	1	43,4498	1	60,4452	1	1,3563
Латвия	17.07.2009	1	0,499	1	0,702804	1	0,0157
Литва	17.07.2009	1	2,4549	1	3,4528	10	7,7341
Молдова	16.07.2009	1	11,1982	1	15,7655	1	0,3504
Тожикистон	16.07.2009	1	4,3912	1	6,1814	10	1,3921
Ўзбекистон	14.07.2009	1	1486,47	1	2070,36	1	46,4
Украина	16.07.2009	100	763,11	100	1075,1457	10	2,3812

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Ишбилармонлар бизнес-форуми
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
 - Фирмамизда хорижлик ишчи
 - Фақат онанинг хоҳишига кўра
 - Валюталар курси **2-бет**
- **ҲУҚУҚ**
 - Фуқаро мурожаати **3-бет**

- **ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ**
 - Фирма йўқолди. Стаж-чи? **4-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
 - «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизи-

мини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қув-

ватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сон қарори);

– «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида».

5-20-бетлар
21-24-бетлар

• top

ФУҚАРО МУРОЖААТИ

ШАХС ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг давлат ҳимоясида бўлиши каби Конституциявий тамойилларни амалга оширишда фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаатлари ўзига хос қафолат вазифасини ўтайди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида ва 40 га яқин қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда шу йўналишдаги асосий қоидалар белгилаб берилган. Унга кўра, фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда, яқка-тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин. Мурожаатларда фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, моҳияти баён этилган ва имзоси бўлиши керак. Мазкур маълумотлар кўрсатилмаган, шунингдек имзоланмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак (аноним аризалар бундан мустасно). Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Давлат органига келиб тушган мурожаатлар

ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мазкур вазифа юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади. Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Мурожаатлар ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин ва улар келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, кўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, кўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарурати туғилганда ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шико-

ят берган шахсга маълум қилинади.

Қонунда мурожаат қилиш билан келиб чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Мурожаатни кўриб чиққан давлат органи ва унинг мансабдор шахсига фақат ва фақат ёзма шаклда жавоб бериш мажбурияти юкланган.

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларни шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, материаллар билан танишиш, кўшимча материаллар тақдим этиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

Ушбу Қонун фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни ҳам назарда тутган. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиши ва кўриб чиқиши асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъму-

рий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддалари билан жазога тортишга сабаб бўлади.

Фуқаронинг тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин. Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибда кўриб чиқилади.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳаёт тарзимизда айрим мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараш оқибатида фуқароларимиз томонидан қилинган мурожаатлар ўз вақтида, қонун доирасида кўриб чиқилмаслик ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги учраб туради. Лекин, ўз касбига фидойий бўлган инсон бу каби салбий иллатларга йўл қўймаслиги лозим.

А. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси
бошқарма катта прокурори,
1-даражали юрист.

РЕКЛАМА

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.01.2009 йилдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв. м бўлган, қурилиши тугалланмаган савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 495 616 000 сўм.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоси 2009 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг ДАТ Асака банк Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000500571452071, МФО: 00264, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 85-А-уй.

II. РКМБ Фарғона вилоят филиалининг аукцион савдосига Фарғона шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Ж.И.Б. Тошкент вилоят судининг 12.08.2008 йил 2-57-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳар, 14-Баҳор МФЙ, Т.Шодиева кўчаси, 8-уйда жойлашган «BETA ALGORITHM ANONIM SIRKETI» МЧЖ шаклидаги корхонасига қарашли, қурилиш ости майдони 1 586,37 кв. м, фойдали майдони 957,15 кв. м бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 67 143 864 сўм.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоси 2009 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги бино-иншоотлар 2009 йил 19 августдаги аукцион савдода сотилмаган тақдирда, мазкур бино-иншоотларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 4 сентябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-224-68-70 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Фарғона вилоят филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452023, МФО: 00497, ИНН: 200933850, Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй. Тел. 224-68-70.

III. РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг аукцион савдосига: 1. Кумқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича судининг 25.03.2009 йил-

даги 2-189-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун туман Маматов Б. га тегишли, Телпакчинор МФЙ Қизилқаҳрамон қишлоғида сақланаётган – қурилган йили номаълум ун ишлаб чиқариш тегиримон биноси, ошхона биноси, бостирма, тарози, бостирма, омборхона биноси, трансформатор биноси, қоровулхона биноси, ҳожатхона биноси, таъмирлаш цехи биноси ва бостирма бинолари қўйилмоқда. **Жами бошланғич баҳоси – 132938 290 сўм.**

2. Бандихон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 11.03.2009 йилдаги 19-0905-458-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бандихон туман «Бандихон машина-трактор парки»га тегишли Бандихон маҳалласида сақланаётган қўйидаги автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда: МАГНУМ 8940 русумли, д/р 83-31 СН, 1997 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 65 092 817 сўм.

– Кейс-2166 русумли, д/р 83-41 СН, 1997 йилда и/ч комбайн. Бошланғич баҳоси – 87 856 216 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 21 август куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2009 йил 21 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 22 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

3. Шунингдек аукцион савдосига такроран, Музработ туман суд ижрочилари бўлими томонидан вилоят хўжалик судининг 07.09.2007 йилдаги 19-0703-5270-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ туман «Ихтисослаштирилган механик Кўчма колонна 414-сонли» МЧЖга тегишли Музработ туман Гагарин қишлоғида жойлашган: 1. Қурилган йили номаълум, 11 хонадан иборат, майдони 393,0 кв. м таъмирталаб маъмурий бино. 2. Қурилган йили номаълум, майдони 436,80 кв. м таъмирталаб эҳтиёт қисмларини сақлаш омбори. **Жами бошланғич баҳоси – 119567459 сўм.**

4. Шўрчи туман суд ижрочилари бўлими томонидан вилоят хўжалик судининг 07.02.2008 йилдаги 19-0803-702-сон, 19.05.2008 йилдаги 19-0804-1999-сон, 15.10.2007 йилдаги 19-0701-6213-сон, 17.03.2008 йилдаги 19-0809-1527-сон, 17.03.2008 йилдаги 19-0809-1528-сон, 06.03.2008 йилдаги 19-0805-1255-сон ва 11.09.2007 йилдаги 19-0705-6379-сонли ижро варақаларига асосан хатланган Шўрчи пахта ОТХЖ жамиятига тегишли қўйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. 2000 йилда қурилган, майдони 688,00 кв. м таъмирталаб пахта сақлаш омборхона биноси. Бошланғич баҳоси – 92 315 000 сўм. 2. 1978 йилда қурилган, майдони 546 кв. м қайта таъмирланган маъмурий биноси. Бошланғич баҳоси - 79 568 946 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 7 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 227-25-49 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сурхондарё филиалининг Ўзбекистон-Германия «Савдогар»

АТБ Музработ ф-даги Термиз шаҳар мини банки кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000600571452115, МФО: 00336, ИНН: 200933850., Манзил: Термиз ш., Ф.Хўжаев кўчаси, телефон 227-25-49.

IV. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига, 1. Хива туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, ФИБ Боғот туманлараро судининг 25.03.2009 йил 568-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги мулклар қўйилмоқда: «Ибрагим Шоҳрух» ф/хга қарашли, Хива тумани Чинобод қишлоғида сақланаётган, «Класс Доминатор-130» русумли 2008 йилда и/ч, 19-43 ИСУ д/р комбайн. Бошланғич баҳоси – 146 000 000 сўм. – Фуқаро Раҳимов А. га тегишли, Хива тумани Гандимён қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 14 083,93 кв. м, қурилиш ости ер майдони 820,82 кв. м ташкил қилган ёрдамчи хўжалик бинолари: молхона бинолари №1, 2, 3, ёрдамчи бино ва бостирма қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 41 674 000 сўм.

2. Хива туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Хоразм вилоят хўжалик судининг 29.05.2009 йил 1777-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. «Хумо» ф/хга қарашли, Хива тумани Саёт қишлоғида сақланаётган «Класс Доминатор-130» русумли 2008 йилда и/ч, 19-44 ИСУ д/р комбайн. Бошланғич баҳоси – 146 000 000 сўм. «Хива автотаъмирлаш» МЧЖга тегишли бўлган, Хива тумани Саёт қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1 070 кв. м ташкил қилган қўйидаги кўчмас мулклар: фойдали ер майдони 987,35 кв. м ташкил қилган йиғув цехи биноси. Бошланғич баҳоси – 42 668 561 сўм. Техниклар уйи биноси, фойдали ер майдони 140 кв. м. Бошланғич баҳоси – 22 425 370 сўм.

3. Хазорасп туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Боғот туманлараро судининг 20.10.2008 йил 639-Б-сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Туямуйинсувқурилиш» ОАЖга қарашли, Питнак шаҳри, Туямуйин кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14 232,6 кв. м, қурилиш ости ер майдони 760,38 кв. м, асфальт майдони 4 530,0 кв. м ни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 393 000 000 сўм.

4. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилоят хўжалик судининг 11.03.2009 йил 17254-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм Бўён» МЧЖга қарашли, Урганч шаҳар, Ёшлик кўчаси, 1-тупиқда жойлашган, умумий ер майдони 7 876,65 кв. м, қурилиш ости ер майдони 469,89 кв. м ни ташкил қилган маъмурий бино, омборхона, ёрдамчи бино ва бостирмаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 101 546 400 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 20 август куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотек» банки «Тинчлик» ф-ли, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Кўшимча маълумотлар учун телефон: (362) 226-32-63, 226-43-64. Манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. www.rkmb.uz

ФИРМА ЙЎҚОЛДИ. СТАЖ-ЧИ?

? **Хурматли тахририят, муаммоимни (ҳолбуки у тижорат корхоналарида ишловчи минглаб одамларга алоқадордир) ҳал қилишда ёрдам беришингизни сўрайман. 2008 йилнинг декабрь ойида мен ёшга доир пенсияни ҳисоблаш учун Чилонзор туман ижтимоий таъминот бўлимига ҳужжатларни топширган эдим. Менга хусусий корхоналарда ишлаган 6 йилимни умумий стажимга қўшиб ҳисобламасдан, иш ҳақини ҳисоблаш дафтарлари мавжуд эмаслигини рўқач қилиб, ушбу йиллардан ёзма равишда воз кечишимни ҳам талаб қилишди. Афсуски, шу даврда фирмалар тугатилаётганда ҳужжатларни давлат архивига топширишга қатъий талаблар қўйилмаган эди.**

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда ёзилишича, меҳнат дафтарчасидаги ёзув иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Менинг дафтарчамда фирманинг аниқ ёзуви ва муҳри бор, шунингдек ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва ундан ушланган даромад солиғи тўғрисидаги маълумотномалар мавжуд, улар директор ва бош бухгалтер имзолари ва муҳр билан тасдиқланган. Мазкур фирмаларнинг бош бухгалтерлари бўлган ҳолда мен ўриндошлик бўйича яна бир фирманинг бухгалтерия ҳисобини олиб борганман. Ҳар ойда ДСИга, туман статистика бўлимига ва Пенсия жамғармасига барча ҳисоботларни тўлиқ топшириб борганман, солиқлар ва ижтимоий тўловларни ўтказиб борганман.

Ҳақиқатан ҳам ишлаганлигини ва Пенсия жамғармасига бадалларни тўлаб борганимни қандай қилиб исботласам бўлади?

Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари учун Қонун амал қилмас экан, солиқ инспекцияларига фирмалар мавжуд бўлганлиги, хусусан, улар фаолиятида мен иштирок этганлигим ҳақида расмий сўровнома юбориш мумкин эмасми? Солиқ инспекциялари архивларида ёки ҳокимиятлар ҳузуридаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бўлимларида мазкур фирмалар ва уларнинг раҳбарлари ҳақидаги маълумотлар сақланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас-ку.

Хурмат ва муаммоимнинг ижобий ҳал қилинишига катта умид билдириб қолувчи Р.Сайфиева.

– Афсуски, ҳақиқатан ҳам ушбу муаммо корхоналарнинг сугурта бадалларини тўлаб беришини ҳисобга олиш талаблари солиқ қонунчилиги билан тартибга солинган пайтгача хусусий корхоналарда ишлаган фуқароларда тез-тез учраб туради. Уни гушуниб етиш учун мамлакатимизда пенсия таъминоти шакллантириш тарихига чуқурроқ назар солиш керак. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг **1993 йил 4 августдаги 391-сон қарори билан собиқ СССР Пенсия фондининг Ўзбекистон Республикаси бўлими негизда ташкил этилган.** Ижтимоий сугурта маблағларини қабул қилиш-топшириш 1994 йил 1 январгача амалга оширилган. Жамғарманинг пул маблағлари **Давлат бюджети таркибига киритилмаган эди.** Бундан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон қарори билан Ижтимоий сугурта жамғармаси негизда Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва маҳаллий органлар ҳузуридаги тегишли ҳудудий бўлинма ва бўлимлар билан Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси ташкил этилган. 1997 йил 1 январдан бошлаб Пенсия жамғармасининг пул маблағлари уларни шакллантириш ва сарфлашнинг мақсадлиги сақланган ҳолда Давлат бюджетига киритилади. 2001 йил 1 январдангина Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилди, Пенсия жамғармаси эса бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди (**ВМнинг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон қарори**).

ВМнинг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон қарори² билан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом (**бундан кейин – 498-сон Низом**) тасдиқланган бўлиб, у билан Пенсия жамғармасининг давлат солиқ хизмати органлари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан зарар ҳамкорлиги қонуний равишда илк бора тартибга солинган. Ушбу ҳужжат билан давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юридик ва жисмоний шахслар томонидан Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари, ажратмалар, тўловлар ва компенсация ўловлари ҳисоби ва улар тўғри ҳисоб-

лаб чиқилганлиги устидан назорат қилиш вазифалари юкланди. Давлат солиқ хизмати органлари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг тўловчилари бўйича **тўлиқ ҳисоб олиб борилиши ва уларнинг маълумотлар базасини олиб борилишини** таъминлаши ва ҳар чоракда ижтимоий таъминот бўлимига куйидаги маълумотларни тақдим этиши шарт:

а) бадалларнинг шахслар бўйича ҳисобини ва меҳнат дафтарчаларини юритиш учун юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган бадалларнинг миқдори тўғрисида маълумотлар;
б) Жамғармага тушган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар;
в) Жамғармага бадаллар, ажратмалар ва тўловлар давлат ҳисобини ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар.

2005 йил 1 январдан бошлаб у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган (**ВМнинг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори³, бундан кейин – 490-сон қарор**). 490-сон қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом (**бундан кейин – 490-сон Низом**) тасдиқланган бўлиб, унда **Пенсия жамғармасига бадалларни тўлаши шарт бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобини юритиш** масалалари янада кенг ёритилган.

Юқорида келтирилган 498-сон Низом қабул қилинишига қадар сугурта бадаллари тўланганлигининг ҳисоби ва ҳисоботи тизими қонунчилик билан етарлича тартибга солинмаган эди, шу туфайли муайян маълумотлар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай маълумотлар эса пенсияни ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолияти даврини стажга қўшишда зарур, зеро «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ иш стажига фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда **бажарган ҳар қандай иш**, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса **қўшиб ҳисобланади.** Ижтимоий таъминот органларида, солиқ хизмати органларида бундай маълумотлар бўлмаган тақдир-

да фирманинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиш учун архивга мурожаат қилиш керак. Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, иш ҳақи ҳисоблаб ёзилганлиги тўғрисидаги дафтар) мавжуд бўлгандагина ушбу давр иш стажига қўшилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ва бадаллар тўғри ҳисоблаб чиқиши, улар тўлиқ ва ўз вақтида тўлалиши устидан назорат қилиш, улар юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўғри ҳисобланиши ҳисобини олиб бориш ва текшириш; мажбурий ажратмалар, бадалларни ҳисоблаш тартибини ва тўлаш муддатларини бузганлик учун уларга нисбатан қонун ҳужжатларида мувофиқ молиявий ва маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашнинг **давлат солиқ хизмати органлари амалга оширадилар** (490-сон Низомнинг 22-банди). Ижтимоий таъминот органлари ваколатига мазкур функциялар кирмайди.

Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (**ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова, бундан кейин – 12-Илова**) 2-бандига мувофиқ, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг ваколатига куйидагилар киради:

– меҳнат стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур даражада расмийлаштирилганлигини ҳуқуқий баҳолаш, зарурат бўлганда уларни беришнинг асосланганлигини текшириб кўриш **тўғрисида** қарор қабул қилиш;

– зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини стажга қўшиб ҳисоблаш ёки олиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

– гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида иш стажини аниқлаш;

– айрим шахсларни парваришлашга кетган вақтни аниқлаш.

Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (**249-сон қарорга 13-илова, бундан кейин – 13-Илова**) 5-бандига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага куйидагилар илова қилиниши керак:

а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;
б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда куйидагилар тақдим этилади:

в) бола туғилганлиги ва у саккиз ёшгача тарбия қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат;

г) аризаچининг фарзанди болаликдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

д) аризачи уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

е) даволаш муассасасининг ари-

✓ Мавзуга оид мактуб

Яқинда кекса ёшдаги кўшни аёл ўз ташвишларини тўкиб солди. Мамлакатимиз энгил саноатининг йирик корхоналаридан бирида кўп йиллар тикувчи-мотористка бўлиб ишлаган. Утган асрнинг 90-йиллари бошида ишдан бўшаган экан. Ниҳоят хусусий фирмага ишга жойлашибди. Бу ерда чойшаб тикишар экан. Бошқа хизматдошлари қатори яхшимидеҳмонми, ҳар қалай мунтазам маош олар экан. Меҳнат дафтарчаси кадрлар иши билан шуғулланувчи ходимда (бу вазифани бош бухгалтер адо этган) сақланган.

2004 йили фирманинг эгаси доимий яшаш учун бошқа мамлакатга кўчиб кетётганлиги муносабати билан ишхонани ёпган. Барча ходимлар ишдан бўшаётганда тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган, меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувлар киритилган. Кўшним пенсия олиш учун ҳужжатлар тайёрлашга киришганлиги сабабли фирмага олган даромадларию тўловдан ушлаб қолинган солиқларга оид маълумотнома ҳам олган. Шундан кейин бирон жойга ишга жойлашининг иложи бўлмаган. Қолаверса, неваралари – ишлаётган қизининг фарзандларини қараб ўтиришга тўғри келган. Холанинг меҳнат стажини 25 йилдан ортиқ эканлиги сабабли пенсияни расмийлаштиришда бирон муаммо бўлади деб ўйламаган эди.

Таассуфки, худди шу масалада муаммо келиб чиқди. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар шундай фирма бўлганлигини ва у Пенсия фондига ажратмалар тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилишган. Хола архивга мурожаат этибди, лекин у ерда фирма ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йўқ экан. Умуман, бугунги кунда корхоналар ўзларига тааллуқли ҳужжатларни давлат архивига топширишлари шарт эмас эмиш. Солиқ инспекциядагилар ҳам кўшнимга ёрдам қила олмадилар.

Натижада унинг меҳнат стажини ёшга доир пенсия олишга камлик қилган. У энди зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа олиши мумкин.

Кўшним юрагини бўшатгач, мендан ёрдам сўради. Очинини айтганда, қандай ёрдам бериш мумкинлигини билмайман. Бу масалага қизиқиб қолиб шунини тушундимки, мазкур муаммо кўшнимнинг кўпчилик тенгқурларини ҳам қийнамоқда. Ижтимоий таъминот бўлимларида улардан ҳам меҳнат дафтарчаларидан бўлак иш стажини тасдиқловчи қандайдир ҳужжатлар сўрамоқдалар.

Шу йул билан меҳнатсиз топилган даромадларга қарши кураш олиб бораётган бўлсалар эҳтимол. Аммо биринчидан, хуфийна иш қилганлар бажарини нима сабабдан Манзура хола, Қодир ака, Коля амаки ва улар сингари мўътабар заҳматқашлар тортиши керак? Зотан қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш, пайини қирқиш ва қондабузарликларга йўл қўймаслик учун ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ органлари ва бошқа тузилмалар бор-ку?!

Иккинчидан, мамлакатимизда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга оид маълумотлар базаси кўп йиллардан бери йўлга қўйилган. Унинг фаолият тартиби, мен яхши билмайман, лекин ҳар бир СТИР бўйича унда давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар билан ҳисоб-китоблар тарихи пухта мувожаат топади. Айтидан, унинг таркибиди қандайдир механизм ишлаб чиқиш керакка ўхшайди, шунда ижтимоий таъминот органлари сўров билан унга мурожаат этиб, пенсияга талабгор шахсининг меҳнат стажини ҳақиқийлигини тасдиқловчи ахборотни бемалол олган бўлур эдилар.

Аслида, менинг фикримча, талаб даражасида расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси ва даромадлари тўғрисида маълумотномалари бўлса, пенсия борасида талабгор учун муаммо бўлмаслиги керак. Бу ҳужжатларнинг сохта эканлиги аниқланган тақдирда эса, уларни берган иш берувчидан жавобгарлик талаб қилинсин.

Учинчидан, қонун ҳужжатларимизда хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига молиявий ҳужжатларни давлат архивига сақлаш учун топшириш мажбуриятини юклайдиган нормани тиклаш керак деб ҳисоблайман. Давлат архивининг тегишли маълумотномаси бўлмаса, фирманинг тугатилганлигини, ёпилганлигини, сотилганлигини эътироф этмаслик керак. Буларнинг ҳаммаси энг аввало инсоннинг таъминланган кексаликка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилмоғи лозим.

**К.Хармова,
газетхон.**

Тахририятдан: бир ҳамкасабамиз пенсияни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ижтимоий таъминот бўлимида расмийлаштираётганида худди шундай вазиятга дуч келди, ундан «Солиқ ва боғжона хабарлари» ҳамда «Норма» масъулияти чекланган жамиятидаги иш даврини тасдиқловчи архив маълумотномаси тақдим этишини талаб қилишган.

Ушбу материални эълон қилиш билан унинг юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Пенсия жамғармасидан ваколатли шарҳлар оламиз деб умид қиламиз.

зачи гипофизар миттилик касалига чалинган (лилипуть)лиги ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган, пакана эканлиги тўғрисидаги ҳужжати.

Бунда қонун ҳужжатларида фуқаронинг сугурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумотномани тақдим этиши назарда тутилмаган.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахслар бундан мустасно – уларнинг иш стажини Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлиги ҳақидаги маълумотномалари асосида аниқланади. Улар **ижтимоий таъминот органлари** томонидан берилди.

Қолган ҳолларда меҳнат стажини иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки иш стажига қўшиб ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилган жойдан ёхуд архив муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар асосида аниқланади. **Иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат бўлиб меҳнат дафтарчаси ҳисобланади.** Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаган, шунингдек унда иш даврлари тўғрисида зарур ёзувлар бўлмаганда ёки ёзувлар хато ва ноаниқ ёзилган бўлса, меҳнат стажини тасдиқлаш учун (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар стажини бундан мустасно) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар, уларнинг бажарганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар бун-

дан мустасно) иш даври гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида аниқланади (**12-Илованинг 1, 4-бандлари**).

Меҳнат стажини мавжуд бўлган тақдирда пенсияни тайинлаш ва ҳисоблаб чиқариш учун риоя қилиниши керак бўлган иккинчи шарт – сугурта бадаллари тўлалишига келса, уни тасдиқлаш таомили қонунчиликда тўлиқ тартибга солинмаган. Шу билан бирга, 13-Илованинг 22, 23-бандларига мувофиқ, ижтимоий таъминот бўлимлари ариза бераётган фуқароларга пенсия тайинлаш учун етишмаётган ҳужжатларни топилганда ёрдам бериши ва уларни расмийлаштириш ва тақдим этиш масалалари бўйича тушунтиришлар ва маълумотномалар беришга мажбурдирлар. Бинобарин, фуқаро бундай маълумотларни олишга ёрдам бериш (масалан, солиқ хизмати органлари ёхуд давлат архивига сўровнома юбориш йўли билан) илтимоси билан ижтимоий таъминот органига мурожаат қилишга ҳақли.

Бунда фуқаро мустақил равишда ёки адвокат ёрдамида ўша даврда ўзи ишлаган корхона томонидан сугурта бадаллари тўланганлигини тасдиқлаш учун юридик шахс – иш берувчи кўрсатиб ўтилган тўловларни тўлаганлиги тўғрисида маълумотномани бериш ҳақидаги ариза билан солиқ органларига (корхона жойлашган жойдаги) мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

12-Илованинг 31-бандига мувофиқ, ижтимоий таъминот бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарордан норози бўлинган тақдирда ушбу масала суд тартибиде ҳал этилади.

**Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.
Зумрад НИЁЗМЕТОВА,
адвокат.**

¹ «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-дарилари тўғрисида» (ҳозирги пайтда ўз кучини йўқотган).

² Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.

³ Мазкур қарор (Низом ҳам) ВМнинг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига мувофиқ ҳамда янги Низом қабул қилиниши муносабати билан) ўз кучини йўқотган.

⁴ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўйга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» (бундан кейин – 249-сон қарор).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сон қарори)»;
- «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 24-сон, 268-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт потенциалини кўпайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, шахарлар ва қишлоқлар истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан:

«Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарида, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ва Тошкент шаҳрининг айрим туманларида Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини синопсис бўйича бошланғич лойиҳалар амалга оширилаётганлиги;

«Ўзбекэнерго» ДАКда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

«Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарида Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жадвали 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатиш жадвали 2-иловага* мувофиқ;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида маиший истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатиш жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбекэнерго» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача бўлган муддатда ушбу қарорга 2-илова асосида, аниқ муддатларини, молиялаштириш манбаларини ва масъул шахслар-

ни кўрсатган ҳолда, электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини жорий этишнинг ҳудудий ҳамда тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Қуйидагиларга:

«Ўзбекэнерго» ДАК ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига — Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатишнинг тасдиқланган жадваллари сўзсиз бажарилиши юзасидан;

«Ўзбекэнерго» ДАК раиси зиммасига — Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

маиший истеъмолчиларга Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларини ва аппарат комплексларини ўрнатиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида электр таъминоти бўйича икки томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

6. «Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар

*1-3-иловалар берилмайди. Иловалар тўлиқ матни билан «Норма» АХТда танишиб чиқишингиз мумкин.

билан биргаликда 2009 йил 1 июлдан бошлаб барпо этилган қурилиш объектларининг улар электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборлари ва аппарат комплекслари билан жиҳозланган тақдирда қабул қилиб олинишини таъминласин.

7. «Ўзбекэнерго» ДАК, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар 2009 йил 1 июлдан бошлаб:

2009-2010 йилларда янгидан барпо этилаётган объектларнинг Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари билан жиҳозланишини ҳамда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган ишлаётган электр таъминоти объектларида кўп функцияли электрон ҳисоблаш приборлари жорий этилишини;

2009 — 2011 йилларда янгидан барпо этилаётган объектларнинг Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланишини ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаётган электр таъминоти объектларида электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари жорий этилишини;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан комплекс ҳимоя қилишни таъминласинлар, бунда инсон омили таъсири мумкин қадар камайтирилишини назарда тутсинлар.

8. «Ўзбекэнерго» ДАК:

2009 йил 1 июлгача бўлган муддатда «Ўзбекэнерго» ДАКда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция лойиҳасини аниқ техник-иқтисодий параметрлар ҳамда электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборларига ва аппарат комплексларига нисбатан зарур талаблар билан бирга ишлаб чиқиш туғалланишини таъминласин;

жорий этилаётган Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими доирасида маълумотларни узатиш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тартиботлари бирхиллаштирилишини

таъминласин;

мамлакатимиздаги ва хорижий етакчи экспертларни Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича комплекс ечимларни ишлаб чиқиш учун жалб этсин;

«Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция дастурини бир босқичда, уларни турли тоифадаги объектларда қўлланиш учун намунавий ечимларни ишлаб чиққан ҳолда амалга оширсин;

2012 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган талабларга мувофиқ бўлган электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини ўрнатмаган истеъмолчиларга — хўжалик юритувчи субъектларга электр энергияси етказиб бермасин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор қоидаларининг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борсинлар.

10. «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь
150-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ ПҚ-1112-СОН ҚАРОРИ)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 24-сон, 269-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондиди давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда) 1-бандининг бешинчи хатбоши ҳамда қарорга 4-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 18 майдаги 127-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 26-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 1 мартдаги 43-сон қарорига илова 3-бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 13-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат

берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибининг амал қилиши 2009 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъекти бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь
152-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 5 июндаги 152-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига қуйидаги мазмундаги 9 — 11-бандлар қўшилсин:

«9. Тадбиркорлик субъектларини туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида юридик шахсларни ва юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

10. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 65-модда):

а) Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомда:

23-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошидаги «70», «50» ва «25» рақамлари тегишли равишда «50», «30» ва «15» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«Техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар лойиҳаларининг давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлиги учун ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида белгиланади»;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

илованинг «Давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун ҳақ тўлаш тартиби» устуниди:

4, 7 ва 10-бандлардаги «70», «50», «25» ва «3» рақамлари тегишли равишда «50», «30», «15» ва «1» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «70» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

б) Давлат экологик экспертизаси амалга оширилаётган фаолият турлари рўйхатида:

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига кирадиган (ўта хавфли) фаолият турларида:

3-банддаги «ва II» сўзлари чиқариб ташлансин;
14, 25 ва 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Тўғонлар.»;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Фармацевтика заводлари ва фабрикалари (тайёр доривор воситаларни қадоқлаш корхоналари бундан мустасно).»;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифасига кирадиган (ўртача даражада хавфли) фаолият турларининг 1 — 48-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 47-бандлар билан алмаштирилсин:

«1. Вилоят аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари.

2. Аэродромлар.

3. II тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

4. Нефть ва газ қудуқлари қазиш.

5. Вилоят аҳамиятга эга бўлган ер ости сувларини олиш иншоотлари.

6. Республика ва вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган сув ўтказгичлар.

7. Ҳажми 200 млн куб метргача бўлган сув омборлари.

8. Қуввати 30 МВт ва ундан кам бўлган гидроэлектростанциялар.

9. Шаҳар маиший чиқинди полигонлари (100 мингдан 200 минг кишигача истиқомат қиладиган аҳоли пунктлари учун).

10. Йиллик иш унуми 1 млн. тоннагача бўлган конбойитиш фабрикалари.

11. Темир йўл деполари.

12. Йилига 2 млн. куб метргача рудани ва кондан олинган кимёвий хом ашёни қазиб чиқариш ҳамда қазиб чиқаришда вужудга келган карьерларни рекултивация қилиш.

13. Йилига 30 минг куб метрдан ортиқ умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш.

14. Идоравий аҳамиятга эга бўлган темир йўллар.

15. Суткалик иш унуми 50 мингдан 280 минг куб метргача бўлган канализация тозалаш иншоотлари.

16. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик қўшимчалар ишлаб чиқариш комплекслари.

17. Биотехнологиялардан фойдаланувчи, шу жумла-

дан пиллани қайта ишловчи корхоналар.

18. Вилоят аҳамиятига эга бўлган электр узатиш линиялари.
19. Луб саноати.
20. Сув ўтказиш қуввати секундига 50 куб метрдан ортиқ бўлган магистраль каналлар, дарёлар ва лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати секундига 20 куб метрдан ортиқ бўлган коллекторлар.
21. Мебель комбинатлари ва фабрикалари.
22. Ун тортиш комбинатлари.
23. Чикиндиларни қайта ишлаш заводлари.
24. Вилоят аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ қувурлари.
25. 100 гектардан ортиқ янги ерларни ўзлаштириш.
26. Дамбалар.
27. Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар.
28. Чармни бўяш ва локлаш корхоналари.
29. Йилига 300 тоннадан ортиқ газмол ва қоғозни лок билан кимёвий тўйинтириш корхоналари.
30. Хавфлилиги III классга мансуб чикиндиларни қайта ишлаш корхоналари.
31. Қурилиш индустрияси корхоналари, асбест ва цемент ишлаб чиқаришлар бунга кирмайди.
32. Қоғоз ва картон ишлаб чиқариш.
33. Ёғоч-қиқиқ ва ёғоч-тола плиталар ишлаб чиқариш.
34. Шиша тола ишлаб чиқариш.
35. Инерт газлар ишлаб чиқариш.
36. Пардоз-андоз препаратлари ишлаб чиқариш.
37. Бўёқлар, шу жумладан лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари.
38. Полимер буюмлар ва синтетик материаллар, шу жумладан ювиш ва тозалаш моддалари ишлаб чиқариш.
39. Электротехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш.
40. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлган йигирув ва тўқув фабрикалари.
41. Паррандачилик фабрикалари.
42. Фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва разведка қилиш.
43. Радиотехника ва электрон саноати.
44. Эскидан суғориб келинган 1000 гектардан кўпроқ ерларни реконструкция қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш.
45. Вилоят аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан ўғитлар омборхоналари.
46. Иссиқлик қуввати 100 МВтдан 300 МВтгача бўлган иссиқлик электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.
47. Пахтани қайта ишлаш саноати»; атроф муҳитга таъсир кўрсатишининг III тоифасига кирадиган (паст даражада хавфли) фаолият турларининг 1 — 62-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 53-бандлар билан алмаштирилсин:
«1. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари.
2. Автопарклар.
3. Автомобилга ёнилғи ва газ қуйиш станциялари.
4. III тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.
5. Вилоят аҳамиятига эга бўлган ер ости сувлари чиқариш иншоотлари.
6. Вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган сув ўтказгичлар.
7. Шаҳарча аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари.
8. Йилига 30 минг куб метрдан кам умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта иш-

лаш.

9. Чорвачилик комплекслари.
10. Ҳайвонотчилик хўжаликлари.
11. Суткалик иш унуми 50 минг куб метрдан кам бўлган канализация тозалаш иншоотлари.
12. Гилам фабрикалари.
13. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва қадоқлаш.
14. Хом ғишт ишлаб чиқариш ва уларни ер усти хумдонларида пишириш.
15. Терига ишлов бериш.
16. Ҳар секундда 50 куб метрдан кам сув ўтказадиган магистраль каналлар ва ҳар секундда лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати 20 куб метрдан кам бўлган коллекторлар.
17. Гўшт саноати (сўйиш ва қайта ишлаш).
18. Корхона ва ташкилотларнинг нефть омборхоналари.
19. 100 гектаргача янги ерларни ўзлаштириш.
20. Аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари учун маиший чикиндилар полигонлари.
21. Жунни қайта ишлаш корхоналари.
22. Хавфлилик даражаси IV классга мансуб чикиндиларни қайта ишлаш корхоналари.
23. Пахта толасини қайта ишлаш корхоналари.
24. Сутни қайта ишлаш корхоналари.
25. Йиллик иш унуми 300 тоннадан кам бўлган газмол ва қоғозни лок билан кимёвий тўйинтириш корхоналари.
26. Қурилишда фойдаланиладиган пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш.
27. Пойабзал ишлаб чиқариш.
28. Омихта ем ишлаб чиқариш.
29. Совун ишлаб чиқариш.
30. Шишадан таркибида заҳарли моддалар бўлмаган буюмлар ишлаб чиқариш.
31. Чинни буюмлар ишлаб чиқариш.
32. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлмаган йигирув ва тўқув фабрикалари.
33. Паррандачилик фермалари.
34. Тайёр доривор воситаларни қадоқлаш корхоналари.
35. 100 гектардан 1000 гектаргача майдонда суғориладиган ерларни реконструкция қилиш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш.
36. Двигатель ва машиналарни таъмирлаш, шунингдек уларни бўяш.
37. Майдони 30 гектардан ортиқ бўлган балиқ урчи-тиш ҳавзалари ва балиқни қайта ишлаш.
38. 50 тадан ортиқ савдо ўрнига эга бўлган бозорлар.
39. Электр асбоб-ускуналарини йиғиш ва таъмирлаш, металлга ишлов бериш.
40. Чўққачилик фермалари.
41. Сел сувини тўплаш омборлари.
42. Туман аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан ўғитлар омборлари.
43. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус объектлари.
44. Босмахоналар.
45. 100 мегаваттдан кам қувватга эга бўлган иссиқлик электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.
46. Трамвай-троллейбус депоси.
47. Пахта тайёрлаш пунктлари.
48. Хлораторлар.
49. Нон комбинатлари.
50. Кимёвий тозалаш корхоналари.
51. 50 тоннадан ортиқ сиғимли совутгич қурилмала-

ри.

52. Кальций карбиди ишлаб чиқариш цехлари.
53. Чой қадоқлаш фабрикалари»; атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига кирадиган (маҳаллий таъсир кўрсатиш) фаолият турларининг 1 — 30-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 32-бандлар билан алмаштирилсин:
 - «1. Автосервис пунктлари.
 2. Умумий равишда фойдаланиладиган ҳаммом ва сауналар.
 3. Ички хўжалик аҳамиятига эга бўлган сувўтказгичлар ва сув хўжалиги тармоқлари.
 4. Ветеринария шифохоналари.
 5. Резино-техника буюмларини тиклаш, вулканизация ва автомобилларни жузъий таъмирлаш.
 6. Майдони 30 гектаргача бўлган балиқ урчитиш ҳавзалари, балиқни қайта ишлаш бунга кирмайди.
 7. Корхоналар ва ташкилотларга қарашли ҳамда умумий равишда фойдаланиладиган гаражлар ва автомобиль тўхташ жойлари.
 8. Қабристонлар.
 9. Дон омборлари.
 10. Гилам тўқиш цехлари.
 11. Тиқиш ишлаб чиқариши.
 12. Мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш.
 13. Пахта титиш корхоналари.
 14. Кичик тегирмонлар.
 15. Автомобилларни ювиш.
 16. Тошга ишлов бериш.
 17. Буғ қозони ва тозалаш иншоотларига эга бўлмаган рекреация ва уй-жой-хўжалик объектлари, шунингдек ижтимоий-маданий-маиший объектлар.
 18. Хўжалик ичидаги ерларни ўзлаштириш.
 19. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш майдончалари.
 20. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш.
 21. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш.
 22. Умумий овқатланиш корхоналари.
 23. Пиллани қабул қилиб олиш ва сақлаш пунктлари.
 24. 50 тадан кам савдо ўрнига эга бўлган бозорлар.
 25. Эскидан суғориб келинган 100 гектардан кам ерни реконструкция қилиш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш.
 26. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборлари.
 27. Хўжаликлар ичида сув хўжалиги тизимларини қуриш.
 28. Теплица ва парниклар, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан ташқари.
 29. Новвойхоналар, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
 30. Оҳақ ишлаб чиқариш цехлари.
 31. Қандалатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
 32. Қорамол, йилқи ва қўй фермалари».
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:
 - а) 10-бандда:

«турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва объектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар томонидан турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш мазкур Низомга муво-

фиқ Инспекциялар орқали амалга оширилади»;

- б) 28-банддаги иккинчи — тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Рўйхатдан ўтказиш Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш офислари (кейинги ўринларда «Ерgeoдезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизматлари деб аталади) томонидан амалга оширилади»;

бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 31-банддаги «архитектура ва қурилиш бош бошқармаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда архитектура ва қурилиш бош бошқармалари деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 37-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«37. Архитектура-режлаштириш (I ва II қисмлардан иборат бўлган) топширигини ишлаб чиқиш архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги тўлов асосида амалга оширилади (турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш бундан мустасно).

Қишлоқ жойларда жойлашган тадбиркорлик субъектлари учун архитектура-режлаштириш топширигини ишлаб чиқиш қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада белгиланади.

Аниқ тарифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объектнинг мураккаблик тоифасига қараб белгиланади»;
- д) 39-банддаги «рухсат» сўзи «асос» сўзи билан алмаштирилсин;
- е) 40-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«40. Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун ариза берувчи Инспекцияга ушбу Низомга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза беради. Аризага мавжуд объектнинг лойиҳа ҳужжатлари ёки кадастр ҳужжатлари нусхалари илова қилинади. Инспекция шу куннинг ўзида тегишли бюртмани ва мавжуд объектнинг тақдим этилган ҳужжатларини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) юборади»;
- ж) 42 ва 43-бандлардаги «туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматида» сўзлари «Ерgeoдезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизматида» сўзлари билан алмаштирилсин;
- з) 46 — 49-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«46. Турар жой нотурар жой тоифасига у уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин. Қуйидаги ҳолларда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга йўл қўйилмайди:

турар жой мақсадли коммунал турар жой фондида бўлса;

алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлмаса;

турар жой авария ҳолатида бўлса ёки нотурар жой тоифасига ўтказиш учун яроқсиз бўлса;

турар жой юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлса — низо суд тартибида ҳал бўлмагунгача.

Архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйлардаги турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш архитектура, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги билан амалга оширилади.

47. Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Инспекцияга ушбу Низомга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг мавжуд бинога мулккий ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан тайёрланган бино тархи;

бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги; агар турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса — ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги.

48. Инспекция бир кун муддатда ҳужжатларни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки кун муддатда Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради.

Қуйидаги ҳолларда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 46-бандида назарда тутилган асослар бўйича;

ушбу Низомнинг 47-банди талабларига риоя қилинмаган тақдирда.

Ўтказишнинг рад этилиши юзасидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

Ҳокимнинг турар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги Инспекция томонидан тақдим этилган қарори асосида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан 1 кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан рўйхатдан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса — 10 фоизи миқдорда тўлов ундирилади.

49. Ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳиши билдирилган тақдирда Инспекция туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори олинган кунда мазкур Низомда белгиланган тартибда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш юзасидан тегишли буюртманом беради. Кейинги тартиб-қоидалардан ўтиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган архитектура-режлаштириш топширигининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

Нотурар жойни қайтадан турар жой тоифасига ўтказиш мулкдорнинг аризасига кўра ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг нотурар жой бинога мулккий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

бинонинг туман (шаҳар) кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан тайёрланган тархи.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори ариза қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда қабул қилинади.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори нусхаси бино мулкдори томонидан 1 иш куни мобайнида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматига, солиқ органларига ва коммунал хизматларга тақдим этилади.»;

и) 55-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги «кўчмас мулк кадастри хизмати» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 57-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ҳисоб рақами очганлик учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик субъектлари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак»;

л) 61-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 65-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 70-банддаги «туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматлари» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин»;

о) 5-иловадаги «Туман (шаҳар) ер кадастри идорасида» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин»;

п) 5а-иловадаги «Туман (шаҳар) ер кадастри идорасида», «(зарур ҳолларда)» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати», (бинонинг параметрлари муҳандислик таъминоти юкламаларини ўзгартирган ҳолда ўзгартирилган тақдирда)» сўзлари билан алмаштирилсин»;

р) 5б-иловадаги «Техник хатловдан ўтказиш бюроси», «туман (шаҳар) ер кадастри идорасида», «туман (шаҳар) техник хатловдан ўтказиш бюросига» «(зарур ҳолларда)» ва «туман (шаҳар) кадастр хизматининг» сўзлари тегишли равишда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизмати», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматига», «(бинонинг параметрлари муҳандислик таъминоти юкламаларини ўзгартирган ҳолда ўзгартирилган тақдирда)» ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин»;

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарорининг 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 80-модда) «5» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

«ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 26-сон, 299-модда)

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг амалда қўлланишини таҳлил қилсин ва зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларига, уларнинг чекланган даражасига, таркибига ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчи томонидан уларни қўлланиш тартибига ўзгартишлар юзасидан таклифлар киритсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 24 июнь
177-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига
1-ИЛОВА

**ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ
МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидалар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

аннуитент — ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

наф олувчи — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

қоплов суммаси — аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси деб аталади) — суғурталовчи унинг бўйича суғурта ҳодисаси вужудга келганда келишилган тўлов (суғурта мукофоти) юзасидан иш берувчига ва (ёки) жабрланганга ёхуд наф олувчига меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалиниши ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

аннуитетлар шартномаси — суғурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (суғурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта сумма-

си доирасида суғурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавfli омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлигига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

ходим — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

иш берувчи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

суғурта мукофоти — иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига мажбурий суғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш

шартномаси доирасида жабрланувчига (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули — жабрланувчига (наф олувчига) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлашни назарда тутадиган етказилган зарарнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори;

суғурта полиси — мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси — аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда жорий тўлов тарзида суғурта товонини амалга ошириш санасигача яшаши;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи — умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки тургун йўқотиши.

3. Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти ушбу Қоидаларга мувофиқ «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-банди иккинчи қисми қоидалари амалга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

4. Меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирдаги иш берувчининг мулкый манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

5. Иш берувчи, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (кейинги ўринларда суғурталовчи деб аталади), аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта қилиш субъектлари ҳисобланади.

6. Иш берувчи ушбу Қоидалар асосида суғурталовчи

билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузади, унга мувофиқ суғурта ҳодисаси вужудга келган даврда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходимнинг меҳнатда шикастланиши, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлайди.

Етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга тўловни назарда тутган ҳолларда иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузади, унга кўра аннуитетга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлови амалга оширилади.

7. Суғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

8. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва мажбурий суғурта қилиш полиси, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, аннуитетлар шартномаси ва аннуитетлар шартномаси бўйича полис мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

II. МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва иш берувчи ҳамда суғурта қилувчи ўртасида ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатда амалга оширсин, у ҳолда мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятни амалга ошириш муддатига тузилади.

10. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси амалга оширадиган суғурталовчини ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Суғурталовчи ўзига ёзма ариза билан мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақли эмас.

12. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун иш берувчи суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи — жисмоний шахс паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (фотосурати ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги охириги ёзув мавжуд бўлган бетлари);

в) иш берувчининг (юридик шахслар учун) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Иш берувчи суғурталовчига тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Мажбурий суғурта қилиш полиси иш берувчига суғурталовчининг ҳисоб рақамларига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганликнинг камида 3 даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси бланкаси суғурталовчининг (аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг) буюртмаси бўйича, босмаҳона усулида «Давлат

*Мазкур Қоидаларга 3 ва 8-иловалар берилмайди. Иловалар тўлиқ матни билан «Норма» АХТда танишиб чиқишингиз мумкин.

белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга 3 ва 8-иловалар*га биноан намуналарга мувофиқ тайёрланади.

14. Суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эга.

Дубликат суғурталовчи томонидан иш берувчи мурожат қилган ва у дубликатни тайёрлаш харажатларини иш берувчи мурожат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

15. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда иш берувчи ёзма шаклда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатларда суғурталовчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт.

16. Иш берувчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

17. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари у амал қилган даврда ўзгарган тақдирда суғурта мукофоти миқдорига ўзгарган шартларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш киритилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотининг ўзаро ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битим тузилган санадан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

18. Агар иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ёки ушбу Қоидаларнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўлашга қарши бўлса, у ҳолда суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

19. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) иш берувчи — юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;

б) иш берувчи — жисмоний шахс вафот этганда;

в) мажбурий суғурта қилиш шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва маъкур шартнома амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидалар 19-бандининг «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилганлардан бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариб берилаётган қисмидан ушбу шартнома бўйича исботланадиган харажатларнинг суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги суммасини чегириб қолиши мумкин.

III. СУГУРТА СУММАСИ, СУГУРТА МУКОФОТИ ВА МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БУЙИЧА СУГУРТА МУКОФОТИНИ ТУЛАШ ТАРТИБИ

21. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси куйидаги миқдорда белгиланади:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санада-

ги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдориди;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдориди. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг маъкур фаолияти амалга оширилган муддатдаги иш ҳақи миқдориди.

22. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш маъкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

23. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори ушбу Қоидаларга 9-иловага мувофиқ суғурта тарифларига биноан ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта тарифларининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

24. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

25. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланган тақдирда суғурта мукофоти миқдори суғурта тарифларига ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилик даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

26. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш кун мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидида пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтиради. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш кун мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

IV. МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

28. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайган тақдирда, суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, кўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида тақдим этиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

30. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчининг таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини

тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қоидаларнинг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

32. Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

33. Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

иш берувчидан, суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

V. МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

34. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш якунларига кўра суғурталовчига суғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилади (ушбу Қоидаларга 4-илова), унга қуйидагилар илова қилинади:

иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз берганига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;
касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғри-

сидаги тиббий хулоса;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

35. Ҳужжатларни қабул қилиб олган суғурталовчи иш берувчига тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

36. Суғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган зарарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишда аниқлашга ҳақлидир.

37. Суғурталовчи ушбу Қоидаларнинг 34-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай суғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши шарт.

38. Суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товони миқдорини аниқлаш суғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган экспертларнинг тегишли хулосалари асосида амалга оширилади.

39. Суғурта ҳодисаси тан олинганда ва суғурта товони суммаси белгиланганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — икки нусхада, суғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

Суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишда ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иштирокида тузилади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан имзоланади.

40. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

VI. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ВА МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БУЙИЧА СУГУРТА ТОВONINI ТУЛАШ ТАРТИБИ

41. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Агар суғурта ҳодисаси натижасида иш берувчида

бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у суғурта пулидан ортиқ бўлса мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф олувчига унинг етказилган зарар умумий миқдоридан улушига мутаносиб равишда, лекин мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

43. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дафн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

44. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча тарзда тўланади.

45. Агар мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилган даврда рўй берган суғурта ҳодисаси оқибатида аниқланган зарар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай зарарни қоплаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида бўлади.

46. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, суғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади. Бунда иш берувчининг талабига кўра суғурталовчи унга суғурта товони тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхасини тақдим этиши шарт.

47. Суғурталовчининг жабрланувчига ёки наф олувчига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари юридик шахс — иш берувчи тугатилганда, жисмоний шахс — иш берувчи вафот этганда ёки ушбу шартнома амал қилган даврда жабрланувчи ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари тўхтатилган ҳолларда сақланиб қолади.

48. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиги ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

49. Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, мажбу-

рий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ушбу Қоидаларнинг 52-бандига мувофиқ аннуитетлар шартномасини тузиши ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, у ҳолда фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча равишда тўланиши керак.

50. Иш берувчида ушбу Қоидаларнинг 49-бандига мувофиқ суғурта мукофотидаги фарқни қўшимча равишда тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда аннуитетлар шартномаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товони пулига мутаносиб бўлган муддатга тузилади. Бунда иш берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жабрланувчига ёхуд наф олувчига зарарнинг тегишли қисмини тўлаш бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

51. Суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

VII. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

52. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони пули ўзининг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномаси тузиши шарт. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишли равишда:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

53. Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир ва ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади.

Аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисида ёзма ариза билан ўзига мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига аннуитетлар шартномаси тузиши рад этишга ҳақли эмас.

54. Аннуитетлар шартномаси тузиш учун иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (жисмоний шахснинг иш берувчиси учун);

в) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) жабрланувчи (наф олувчи)нинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг нусхаси;

д) иш берувчининг ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-илова-ларга мувофиқ шакл бўйича, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатларига кўра етказилган зарарни қоплаш

тўғрисидаги буйруғининг нусхаси.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

55. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси иш берувчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисоб рақамига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта товони жорий тўловлар тарзида икки ёки ундан кўп шахсларга тўланиши керак бўлган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси ҳар бир бундай шахсга алоҳида-алоҳида берилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи ёки аннуитент унинг дубликати-ни олиш ҳуқуқига эгадир.

Дубликат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган кундан ва у дубликати тайёрлаш бўйича харажатларни иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг кўпи билан 10 фоизи миқдоридан тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

56. Аннуитетлар шартномаси тузилгандан кейин иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ёлғон маълумотларни қасддан хабар қилганлиги аниқланган тақдирда аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаққоний эмас деб эътироф этилиши мумкин.

VIII. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ ВА ҚОПЛОВ ПУЛИ

57. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдоридан белгиланади.

Зарар ўрнини қоплаш ноаниқ муддатга белгиланган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулини ҳисоблаш учун аннуитетлар шартномаси тузилган вақтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган аҳоли умрининг ўртача давом этиш кўрсаткичи қўлланилади. Аннуитент ўртача умр кўриш муддатини яшаган тақдирда унинг умр кўриш даврининг қолган даврида кўрилган зарар иш берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Шу билан бирга, агар аннуитет умрининг қолган даврида иш берувчи тугатилган тақдирда зарарни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулига тенг бўлиб иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталашнинг бутун даври учун аннуитет шартномаси тузилган муддатдан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади. Энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилган тақдирда ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланган зарарни ундириш пули энг кам ойлик иш ҳақининг ошишига мутаносиб равишда кўпаяди. Бунда кўрилган зарарни ундиришнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча равишда тўланади.

59. Қоплов пули аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотидан жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловлари ва аннуитетлар шартномаси бўйича ишларни юриштишга исботланган харажатлар суммасини чегирган ҳолдаги суммага тенг бўлади.

IX. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

60. Иш берувчи қуйидагиларга ҳақлидир:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қоплов пулини талаб қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

61. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда суғурта мукофотини тўлаш;

суғурта полисини аннуитентга бериш ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириш;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларининг ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

62. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш юзасидан аннуитент ҳуқуқининг мавжудлигини текшириш;

жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини, агар аннуитент бундай тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, рад этиш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

63. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

X. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЖОРИЙ ТЎЛОВЛАР ТАРЗИДА СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

64. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони:

жабрланувчи учун — жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлгунгача унинг касб бўйича меҳнат фаолияти йўқотилишининг тегишли даражасига кўра ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик тўлови миқдориди;

наф олувчи учун — унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга тўғри келадиган улушни чегирган ҳолда, вафот этган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдориди белгиланади.

65. Суғурта товонини жорий тўловлар тарзида ундириш қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланганга ёки наф олувчига зарарни ундириш зарурлиги белгиланган давр мобайнида амалга оширилади ва у ушбу давр ўтгандан кейин ёки аннуитент вафот этган кунда тўхтатилади.

66. Аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта товонини жорий тўловлар тарзида олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда суғурта товони миқдори бундай шахслар ўртасида қайта тақсимланади. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонининг қайта тақсимланишига олиб келадиган вазиятлар вужудга келган тақдирда аннуитент ёки иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини бу тўғрида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

67. Иш берувчидан аннуитетлар шартномасига ўзгарти-

ришлар киритиш тўғрисида ариза олинган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи зарурат бўлганда жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдорини қайта ҳисоблаб чиқади ва аннуитентлар шартномаси бўйича суғурта полисини (полисларини) қайта расмийлаштиради.

68. Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ва уни олиш муддатлари ўзгариши оқибатида аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдори кўпайтирилган тақдирда суғурта товонининг ошган миқдорини иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қўшимча равишда тўлайди. Агар ушбу вақтда иш берувчи тугатилса, жорий тўловлар тарзида суғурталовчи суғурта товонини аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули доирасида тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқади. Агар аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта пули миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлган вазиятлар унинг камайишига олиб келса суғурта мукофотининг ортиқча қисми иш берувчига қайтарилди.

69. Жорий тўловлар тарзида суғурта товони аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ҳар ойнинг 5 кунидан кечикмай аннуитентнинг аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

70. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

XI. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ

71. Аннуитетлар шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иш берувчига (аннуитентларга) киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полисини бериши шарт. Бунда аннуитетлар шартномаси бўйича илгари берилган суғурта полиси (полислари) ўз кучини йўқотади.

72. Аннуитетлар шартномаси қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) суғурта мукофоти аннуитетлар шартномасида белгиланган муддатда ва миқдорда тўланмаганда;

б) аннуитент аннуитет шартномаси амал қилган даврда вафот этганда;

в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

73. Аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда қоплов пули иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга кўрилган зарарни ундириш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Аннуитент вафот этган вақтда иш берувчи тугатилган тақдирда тоvon пули Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланади. Бунда аннуитентнинг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

XII. СУБРОГАЦИЯ

74. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ундирилган зарарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлашни амалга оширган суғурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

Иш берувчи суғурта товонини олишда суғурталовчига унинг суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор бўлган

шахсга нисбатан қайта талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча зарур ҳужжатларни бериши шарт.

Агар иш берувчи суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш иш берувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса суғурталовчи иш берувчидан суғурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

XIII. СУГУРТАЛОВЧЕНИ ВА АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУГУРТАЛОВЧЕНИ АЛМАШТИРИШ

75. Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- суғурталовчи ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;
- суғурталовчига ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига нисбатан банкротлик таомили қўлланганда;
- суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш махсус ваколатли давлат органининг розилиги билан амалга оширилади.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

76. Мажбурий суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

77. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

78. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида назарда тутилмаган санаб ўтилмаган бошқа табиий ҳодисалар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, қамаллар, давлат ташкилотларининг ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) оқибатида келиб чиққан фавқулодда, ушбу шароитларда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар мажбурий суғурта қилиш шартномасини бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

Форс-мажор вазиятлари юзага келганда ва тўхтаганда томонлар ёзма шаклда бир-бирини хабардор қиладилар.

Форс-мажор вазиятлари юзага келган тақдирда мажбуриятларни бажариш мuddатини томонлар форс-мажор вазиятлари мавжуд бўладиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

79. Мажбурий суғурта қилиш шартномасидан ва (ёки) аннуитетлар шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

ИШ БЕРУВЧИНING ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ -СОН

_____ шахри _____ 20__ йил «__» _____

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган _____

(иш берувчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган

(ҳужжатнинг номи)

_____, бир

(Ф.И.О., лавозими)

томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200__ йил _____ да берилган _____-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган _____

(суғурталовчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган

(ҳужжатнинг номи)

_____ орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

(Ф.И.О., лавозими)

1. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил _____ даги _____-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича _____ сўмни,

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

шу жумладан дафн этиш харажатлари _____ сўмни ташкил қилади.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича _____ сўмни ташкил қилади.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан

бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва _____ мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охириг санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки кириши йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

Йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

Йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асосланган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хал этилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДА

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Суғурталовчи _____	Иш берувчи: _____
Манзили: _____	Манзили: _____
тел: _____ факс: _____	тел: _____ факс: _____
х/р _____	х/р _____
МФО _____ СТИР: _____	МФО _____ СТИР: _____

_____ (Ф.И.О. ваколати) _____ (Ф.И.О. ваколати)

_____ (имзо) _____ (имзо)

М.Ў. М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдини.

_____ (имзо) _____ (Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Суғурталовчига _____
(суғурталовчининг номи)

**ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА
АРИЗА**

Иш берувчи _____
(Ф.И.О./номи)

асосида ҳаракат _____
(ҳужжатнинг номи)

қилувчи _____ орқали
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:

почта манзили: _____

телефон: _____ факс: _____ e-mail: _____

Ариза берувчи – жисмоний шахснинг

20__ йил «__» _____ да _____ берилган

паспорти серияси _____ номери _____

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи: _____

Ҳисоб рақами _____

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____

СТИР _____

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга оширадиган фаолият тури (турлари) _____
(тармоқнинг коди ва номи)

4. Барча ходимларнинг йиллик иш ҳақи суммаси _____ сўм.
(рақамлар ва ёзув билан)

5. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг муддати _____.

6. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) _____;

б) _____.

7. Биз ушбу аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

_____ (имзо) _____ (Иш берувчи ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

М.Ў.

8. Ариза _____ томонидан қабул қилинган ва

(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____ да дафтарда _____ рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Суғурталовчига _____
(Суғурталовчининг тўлиқ номи)

_____ дан
(Аризачининг тўлиқ исми (номи))

Аризачи — жисмоний шахснинг паспорти: серияси: _____

номери: _____,

20__ йил «__» _____ да _____ берилган.

Аризачи — юридик шахснинг реквизитлари: _____

СТИР _____

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____,

х/р _____

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси:

серияси _____ № _____

20__ йил «__» _____ да берилган.

**СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА
АРИЗА**

Ушбу билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 20__ йил «__» _____ даги _____ -сон шартномага кўра суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганлигини маълум қиламан.

Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:

Сугурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодисага дуч келган ходимлар:

1. _____

(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

2. _____

(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ходисанинг санаси ва вақти: _____

Ходисанинг жойи: _____

Ходиса тўғрисида _____ га муурожаат қилинган

Ходисанинг ҳолатлари: _____

Ушбу ҳодиса бўйича ҳаққоний ва менга маълум бўлган барча маълумотларни хабар қилдим.

20__ йил «__» _____

(имзо)

(аризачининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Ариза _____ томонидан қабул қилинган ва 20__ йил «__» _____ да

(сугурталовчи масъул ходимнинг лавозими ва фамилияси)

_____ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:

Т/р	Ҳужжатнинг номи	Саҳифалар сони	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами	Илова қилинмоқда (ха/йўқ)
1.	Иш берувчининг етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруғи нусхаси.			
2.	Сугурта ҳодисаси юз бергунгача ходимнинг ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.			
3.	Меҳнат шартномаси (контракт)нинг нусхаси.			
4.	Касбга оид касаллик мавжуд бўлганда — ходимнинг касбга оид касаллиги тўғрисида тиббий хулоса.			
5.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси.			
6.	Врачлик-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосаси.			
7.	Суд қарори.			
8.	Ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг етказилган зарарни ундиришга ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.			

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сугурта қилиш қондаларига
5-ИЛОВА

(юридик шахснинг номи)

БУЙРУК № _____

_____ шаҳри

20__ йил «__» _____

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСА ТУФАЙЛИ КЎРИЛГАН ЗАРАРНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли _____ га зарар етказилган.

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20__ йил «__» _____ да Н-1 шаклдаги Далолатнома билан расмийлаштирилган.
ТМЭКнинг 20__ йил «__» _____ даги _____-сон хулосасига кўра _____ «__» гуруҳ ногирони

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

деб эътироф этилган/этилмаган, _____ муддатга касбга оид меҳнат қобилиятини _____% йўқотган.

(керакиси кўрсатилади)

Меҳнатда майиб бўлгунига қадар _____ нинг 12 ойдаги ўртача ойлик иш

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

хақи _____ сўмни ташкил қилган.

(сумма рақамлар ва ёзув билан)

БУЮРАМАН:

1. _____ га

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

_____ сўм миқдоридан бир йўла нафақа тўлансин.

(сумма рақамлар ва ёзув билан)

2. _____ га 20__ йил «__» _____ дан

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____ гача бўлган даврда ҳар ойда _____ сўм

(сумма рақамлар ва ёзув билан)

миқдорида зарар товони тўлансин.

3. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш суммаси оширилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдorigа мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Юридик шахс раҳбари _____

(инсо)

(Ф.И.О.)

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
5-1-ИЛОВА

(юридик шахснинг номи)

БУЙРУК № _____

_____ шаҳри

20__ йил «__» _____

БОҚУВЧИНИНГ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса муносабати билан _____ га зарар етказилган.

(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20__ йил «__» _____ даги Н-1 шаклдаги Далолатнома билан расмийлаштирилган.
_____ маҳалла қўмитасининг 20__ йил «__» _____ даги _____-сон маълумотномаси асосида
_____ вафот этган кунда унинг қарамоғида _____ киши бўлган:

(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

1. _____ 20__ йил «__» _____,

(қариндошлиги)

(Ф.И.О.)

(тутилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу кабилар;

(қолаётган боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...

3. ...

Боқувчисини йўқотганлик бўйича етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлганлар:

1. _____ 20__ йил «__» _____,

(қариндошлиги)

(Ф.И.О.)

(тутилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу кабилар;

(қолаётган боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...

3. ...

_____ нинг вафот этган кунда охириги 12 ой учун ўртача ойлик иш ҳақи _____ НИ

(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

(суммаси рақамлар ва ёзувлар билан)

ташқил қилди _____

_____ га асосланиб

БУЮРАМАН:

1. _____ нинг етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахс

(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

ларга _____ сўм бир йўла нафақа тўлансин.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

2. _____ нинг қарамоғидагиларга боқувчисини

(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

йўқотганлиги учун _____ миқдоридаги етказилган зарар тўлови ҳар ойда қуйидаги

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

даврлар учун тўлансин:

а) _____ га 20__ йил «__» _____ дан

(қариндошлик шартининг Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____ гача (16 ёшга етгунгача), кундузги ўқув юртида ўқишни давом эттирган тақдирда 20__ йил

«__» _____ гача (18 ёшга тўлгунгача);

б) _____ га 20__ йил «__» _____ дан

(қарамоғидаги шахснинг Ф.И.О.)

200__ йил «__» _____ гача вафот этган ходимнинг болалари, неваралари, сингиллари уч ёшга тўлгунгача (уларни парвариш қилаётган шахслар учун);

в) ...

3. Балоғатга етмаган қарамоғидаги шахслар учун 1 ва 2-бандлар бўйича бир йўла нафақа ва етказилган зарар тўлови _____ томонидан амалга оширилсин.

(иш олувчининг Ф.И.О.)

4. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, етказилган зарар тўлови

суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг оширилган суммасига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Ушбу суммани қайта ҳисоблаб чиқиш етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда ҳам амалга оширилсин.

Юридик шахс раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
6-ИЛОВА

Аннуитетлар шартномаси №

_____ шаҳри

20__ йил «__» _____

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган _____

(иш берувчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган _____, орқали, бир

(ҳужжатнинг номи)

(Ф.И.О., лавозими)

томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200__ йил «__» _____ да берилган _____ -
сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган _____

(суғурталовчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган

(ҳужжатнинг номи)

_____ орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйдагилар тўғрисида тузилар:

(Ф.И.О., лавозими)

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ, ушбу шартнома бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Иш берувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдорда ва муддатда тўлаганда, жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

2. СУГУРТА ПУЛИ, ТОВОН СУММАСИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

2. Ушбу Шартнома бўйича умумий суғурта пули Шартномага иловага мувофиқ _____

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

сўмни ташкил қилади.

3. Қоплов суммаси суғурта мукофотларидан жорий тўловлар тарзида тўланган суғурта тўлови, ва ишни юриштиш учун исботланадиган харажатлар суммасини чегирган ҳолда тенг бўлади.

4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома бўйича, иловага мувофиқ _____ сўмни ташкил қилади.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

5. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6. Ушбу Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кирилади. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг жорий тўловини амалга ошириш мажбуриятлари 20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача кирилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Иш берувчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:
аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;
аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда товон суммасини талаб қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

суғурта полисини аннуитентга бериши ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириши;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларидаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

9. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан зиммасига қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитентнинг жорий тўлов тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эгаллигини текшириш;

агар аннуитент жорий тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлашни рад этиш;

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйдагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ аннуитентга жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлаш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11. Томонлар аннуитетлар шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги

юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДА

